

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК  
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ

ШАРТНОМАСИ № 10-01/05711000/1255 /с-01-2022

2022 йил "19" январь

Тошкент ш.

"Ўзагросуғурта" АЖ Устави асосида фаолият юритувчи, кейинги ўринларда "Суғурталовчи" деб аталадиган "Ўзагросуғурта" АЖ номидан 2021 йил "04" январдаги №05-06/5Ф-27-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қиладиган Тошкент шаҳар филиали "Пойтахт" суғурта маркази бошқарувчи менежери С Б Очиллов бир тарафдан, Узагросуғурта Маркази номидан 2022 йил "11" 02 даги 57/198-сонли қарор асосида ҳаракат қилувчи, кейинги ўринларда "Суғурта қилдирувчи" деб юритиладиган Мамалеевич Р.Р. иккинчи тарафдан қуйидаги шартлар асосида мазкур суғурта шартномасини туздилар:

### 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинг №1 Иловасида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 2019 йил 16 мартдаги 222-сонли Қарори асосида суғурта хизмати кўрсатади.

1.2. Суғурталовчи мазкур шартномада шартлашилган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан тўлиқ тўланганидан сўнг суғурта полисининг амал қилиш муддатида суғурта ходисаси содир бўлганда шартнома (суғурта полиси) да белгиланган суғурта пули доирасида Суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади.

### 2. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

2.1. Мазкур шартноманинг №1 Иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (суғурта қилдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

### 3. СУҒУРТА ПУЛИ

3.1. Суғурта пули Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари ҳақида"ги 222-сонли қарори билан белгиланади ва мазкур шартноманинг №1 Иловасида қайд этилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган суғурта полисларида кўрсатилади.

3.2. **Жами суғурта пули 40 000 000,00 (қирк миллион) сўм 00 тийинни ташкил этди.**

### 4. СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 222-сонли Қарорига асосан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (кейинги матнларда "Суғурталаш қоидалари" деб юритилади)

**Жами суғурта мукофоти 168 000,00 (бир юз олтмиш саккиз минг) сўм 00 тийинни Қ.Қ.С.сизташқил этади.**

4.2. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофоти суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига (унинг филиалига ёки суғурта агентига) мажбурий суғурта шартномасини тузиш вақтида пул ўтказиш йўли билан бирйўла тўланади. Суғурта мукофотининг тўланган куни деб суғурта мукофотининг суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлиқ миқдорда келиб тушган куни ҳисобланади.

4.3. Суғурта мукофоти тўлиқ тўланганидан сўнг суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинг №1 Иловасида кўрсатилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича суғурта полиси ва махсус давлат белгиси расмийлаштириб берилади.

4.4. Суғурта мукофоти олдиндан 100% ўтказиб берилади.

## **5. СУҒУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ**

5.1. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганда суғурта тўлови суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 35 фоизидан ошиши мумкин эмас.

5.2. Бир нечта жабрланувчиларнинг мол-мулкига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг суғурта қопловчи миқдори ҳар бир жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарур даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

5.3. Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.4. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, мазкур шартноманинг 5.3-бандида кўрсатилган сумма доирасида аниқланади.

## **6. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТўЛАШ**

6.1. Суғурталовчи суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) ташаббуси билан ёки суғурталовчининг талабига биноан зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини, ҳатто бу чоралар муваффақиятсиз бўлган ҳолларда ҳам қоплайди.

6.2. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш бўйича харажатлар суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Суғуртатовони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу кабитўловларни қопламайди.

6.4. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

6.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7.1. Суғурталаш қоидаларида белгиланган Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазкур шартномадаги томонлар учун ҳам тадбиқ қилинади ва ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланади.

7.2. Томонлар мазкур шартнома доирасида бир-бирларига маълум бўлган махфий маълумотларни сир сақлашлари шарт.

## **8. ШАРТНОМА ВА (ЁКИ) СУҒУРТА ПОЛИСИНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БЕКОР ҚИЛИНИШИ**

8.1. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисларининг амал қилиши:

а) транспорт воситасидан фойдаланиш белгиланган тартибда тақиқланганда;

б) суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси бундан буён фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолганда;

в) транспорт воситасининг эгаси ўзгарганда муддатидан олдин тўхтатилади.

Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома ва (ёки) шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича расмийлаштириб берилган суғурта полисларининг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурта мукофотининг бир қисми тўланган товон суммасига ва шартнома ва (ёки) суғурта полиси амал қилишининг кунлар ҳисобидаги қолган муддатига мутаносиб равишда қайтарилади. Бунда суғурта шартномаси ва (ёки) суғурта полисининг амал қилиши мазкур шартноманинг 8.1-банди "а", "б" ва "в" кичик бандларида кўрсатилган бошқа асосларга кўра муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтарилаётган қисмидан унинг суғурта шартномаси бўйича исбот қилинадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

## **9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

9.1. Суғурталовчининг жавобгарлиги ҳисобланган суғурта мукофоти ҳисоб рақамига келиб тушгандан кундан бошланади.

9.2. Томонлар мазкур шартнома ва қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида жавобгар ҳисобланадилар.

## **10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

10.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

10.2. Томонлар ўзаро розилик асосида мазкур шартномага зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишлари мумкин.

10.3. Мазкур Суғурта шартномаси 1 йил мудатга тузиладива томонлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга киради.

10.4. Ушбу шартнома томонлар келишуви ёки улардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолда, бекор қилиш ташаббуси билан чиқадиган томон иккинчи томонни камида ўттиз кун олдин келишувни бекор қилиши тўғрисида ёзма хабардор қилиши лозим.

10.5. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхада сақланади.

<p align="center"><b>«Суғурталовчи» номидан</b></p>		<p align="center"><b>“Суғурта қилдирувчи” номидан</b></p>
<p><b>“ЎЗАГРОСУҒУРТА” АЖ ТШФ</b>  <b>“Пойтахт” суғурта маркази</b>  <b>Тошкент ш, Шайхонтохур тумани,</b>  <b>Гулобод 269-уй 22 кв</b>  <b>Тел:+99871 242-01-49</b>  <b>Х/р 2021 0000 9001 0116 9121 ;</b>  <b>АТБ “Микрокредитбанк” Бош офис</b>  <b>Тошкент шаҳар</b>  <b>МФО 00433 ИНН 201 042 345.</b></p> <p align="right">_____ <b>С Б Очиллов</b></p>		<div data-bbox="997 425 1444 616" style="border: 1px solid blue; padding: 5px;"> <p align="center"><b>АЖ “ЎЗЎҚ ИРСАНОАТЛОҒИНА”</b>  100000, г. Тошкент, проспект Мустақиллик, 88.  Тел: 237-34-84, факс: 268-99-15, e-mail: UZTA@PROEKT.UZ  <b>Р/с: 2020 8000 0001 7600 4001</b>  <b>В ЭАКБ «ORIENT FINANS» г.Тошкент</b>  <b>МФО: 01071 ИНН: 200523238 ОКЭД: 71110</b></p> </div> <div data-bbox="909 660 1556 952" style="text-align: center;">  <p><b>Раҳбар</b> <i>Маммалиев Р.Р.</i>  (имзо)</p> </div>